

Андижон вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси билан Избоскан ТЙФУК ўртасида давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларини 2022 йилда кишки қаров ишлари бўйича тузилган  
Ш А Р Т Н О М А № 41

Андижон шаҳри

2022 йил 29 январь

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган Избоскан ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори Ж.Валиев иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎзР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Избоскан тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини кишки қаров ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНING МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Избоскан тумани ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларида кишки қаров ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажариллиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНING БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажариллиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 13 401 000 (Ўн уч миллион тўрт юз бир минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдорида олдиндан аванс тарикасида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. “**Буюртмачи**” томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан “**Пудратчи**” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунда “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. “**Буюртмачи**” охириги тўловни “**Пудратчи**” томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кундан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III. ТОМОНЛАРNING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. “**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

#### 3.2. “**Пудратчи**”нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

#### 3.3. “**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари қўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари” МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

#### 3.4. “**Буюртмачи**”нинг ҳуқуқлари

“**Пудратчи**”дан бажариладиган кишки қаров ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажариллишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“**Пудратчи**”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“**Пудратчи**” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуксонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и микдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 модллари асосида белгиланади.

#### V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

#### VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иктисодиёт орқали хал этилади.

#### VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан қўлга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

#### VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

##### “ПУДРАТЧИ”

Избоскан ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)

Манзили: Избоскан тумани Урганжи МФЙ

Маданият йўли кўчаси 47-уй

Тел./факс: 74 312-39-97

х/в 22626000600285968005

Банк номи: “Миллий банк” Андижон бўлими

МФО: 00074 ИНН: 200271616

ОКОНХ: 42110

##### “БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи

Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х\* 304510860034017045172118001

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ҳазначилик бўлини номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлини номи СТИР 201122919

Директор:

Ж.Валиев

Бошлик:

Т. Караев

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

А.Мамажонов

Андижон вилоят АЙХББ билан Избоскан ТИФУК ўртасида тузилган  
 умумий суммаси 13 401 минг сўмлик 2022 йил 29 январ кунги № 41 -  
 сонли шартномага илова

Избоскан ТИФУК томонидан 2022 йилда бажариладиган қишки қаров ишлари қиймати ва ишларни бажариш жадвали

№	Йўлнинг номи	Йўлнинг узунлиги км	Смета нархи жами минг сўм	2022 йил 1 чорак режаси					
				жами	I-чорак			ойлар	
					январь	февраль	март		
1	2	3	5	7	8	9	10		
	Давлат аҳамиятидаги йўллар								
1	4P 116"Наманган ш.-Уйчи ш.-Учқўрғон ш.-Хаккуллобод ш.-Пойтуғ ш.-Андижон ш." 63-81 км	18	4 501,00	4 501,00	1 500,00	3 001,00			
2	4P 131 "Қуйганёр қ.-Маданият қ." 0-11 км	11	3 200,00	3 200,00	1 200,00	2 000,00			
3	4P 132 "Пайтуғ ш.-Қизил кўприк қ.-Пахтабод ш.-Бозорқўрғон қ." 0-16 км	16	3 900,00	3 900,00	1 300,00	2 600,00			
4	4P 134 "Қуйганёр қ.-Сиза қ.-Эски Хаккуллобод қ." 4-9 км	5	1 800,00	1 800,00	800,00	1 000,00			
	Жами	50	13401,0	13401,0	4800,0	8601,0	0,0		

ИЗБОСКАН ТИФУК ДИРЕКТОРИ  
 Ж.Валиев

Андижон вилоят АЙХББ бошлиғи  
 Т.Қараев